XALQ DEPUTATLARI FARG‘ONA SHAHAR KENGASHINING

Q A R O R I

2021 - yil 15 - iyul VI-34-10-11-169-K/21 Farg‘ona shahar hokimligi

Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6075-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимяти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3 Фарғона шаҳар ҳокимлиги матбуот ҳизмати раҳбари (Ж.Султонов) мазкур қарорни расман эълон қилишини ва Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлансин.

4. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш шаҳар Кенгашининг

қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси З.Собирова зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **М.Убайдуллаев**

Халқ депутатлари Фарғона шаҳар
кенгашининг
2021 йил 15 июлдаги
VI-34-10-11-169-K/21-сон қарорига
1-илова

Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг 2015 йил 29 декабр кунги “Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2016 йилги параметрлари ҳақида”ги V-X-46-сонли қарори;

2. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг 2016 йил 30 декабр кунги “Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2017 йилги параметрлари ҳақида”ги V-XXII-84-сонли қарори;

3. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг 2018 йил 28 декабр кунги “Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилги параметрлари ҳақида”ги V-XXXVII-177-сонли қарори;